



ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz

www.adolatgz.uz

www.adolat.uz

№ 43 (1107)

2016-yil, 7-oktabr, juma

АЛЕКСАНДР ЛУКАШЕНКО ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ХУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов буюк давлат арбоби, улуғ сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз орасида, бутун дунёда алоҳида хурмат қозонган эди. Юртбошимиз мангу қўним топган маскан бугун барча учун муқаддас зиёратгоҳга айланди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига хурмат бажо келтириш мақсадида 6 октябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олиё мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди.

Александр Лукашенко ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига хурмат бажо келтирдилар.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислам Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида 2008-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва унинг ижросига қаратилган дастур изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислам Каримов хотирасига хурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкога миннатдорлик билдирди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари бундан кейин ҳам изчил давом этишини, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги bosқичга қўтариш зарурлигини таъкидлади.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов бутун фаолиятини ўз халқи, Ватани равақига бағишлагани, бугун Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган, тинч ва барқарор давлатга айланганини қайт этди. Ислам Каримов вафотидан кейинги синобли кунларда Ўзбекистон халқи донолигини, юксак маданиятини ва ҳамжихатлигини яна бир бор намоён этганини, шундай буюк заминга ташриф буюрганидан мамнулигини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 71-сессиясида мажлис иштирокчилари Ислам Каримов хотирасини ёдга олиб, хурмат бажо келтиргани ҳам Президентимизнинг халқаро обрў-эътиборини яққол тасдиқлайди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоятини ётди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эриш-йўлларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонуний лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қўйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий

партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар фракциялар мажлисларида, биринчи навбатда,

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

2 >

АСЛ ҚАҲРАМОНЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ

Ойлар, йиллар ўтаверади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг халқимизнинг ўзигини, ғурурини тиклаш, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш йўлидаги фидойилиги бот-бот эсга олинверади, халқимиз улуғ йўлбошчисини ҳеч қачон унутмайди...

Ҳеч ишонгим келмаяпти. Ҳаёлимда гўё Президентимиз Ислам Каримов бирор жойга сафарга кетгану, эрта-индин қайтиб келадигандай туюлаверади.

2 сентябрь куни кечкурун ўша машғум хабарни эшитиб, оиламиз билан қарахт бўлиб

қолдик. 93 ёшли онам шундай йиғлади-и... Эртаси куни Самарқандда – Регистон мажмуасидаги Тиллакори мадрасасида жаноза намозида турибману, худди ёмон туш кўраётгандек эдим. Гўё ҳозир уйюниб кетаман ва буларнинг бари рўё бўлиб чиқадигандай эди...

4 >

Тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш — давр талаби

МУНОСАБАТ

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 57 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг салкам 80 фоизи тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ваҳоланки, 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан иборат эди, мос равишда бандликдаги улуш ҳам ҳозирги кўрсаткичдан қарийб икки баробар кам эди. Бу ижобий кўрсаткичлар эса, ўз навбатида, охириги 10 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 8 фоиздан кам бўлмаган даражада барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб бормоқда. Энг муҳими, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятинан олинаётган даромадлар

улуши мустақиллик йилларида 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди.

Бироқ тадбиркорликнинг мамлакатимиз бўйлаб янада кенг қулоч ёйиши, унинг нафақат ички бозорда, балки дунё бозорларида ҳам рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашнинг хал қилувчи омилга айланиши учун ҳали бир қатор қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш давр талабига айланмоқда.

2 >

Юксак ишонч ва муносиб рағбат

таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади

Ҳар бир мамлакатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимиз жаҳон андозалари даражасида билим олиши, қобилият ҳамда интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши учун барча шароит яратилди.

Истиклол йилларида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, ўқитувчи ва мураббийларнинг малакаси тизимли равишда оширилиши таъминланмоқда. Колаверса, устоз, ўқитувчи, мураббийларнинг нуфузини ошириш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шарафли меҳнатини доимий равишда рағбатлантириб бориш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани биз, соҳа ходимларини беҳад қувонтиради.

Жорий йилда ҳам 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг миқёсда нишонланди.

8 >

25 йил: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Ер юзиде инсоният маънавий юксалишига бешик бўлган, кечмиши бир неча минг йиллик тарихга бориб боғланган, башариётнинг барча тараққиёт bosқичларига гувоҳ бўлган, бағрида ҳам олис ўтмиш, ҳам бугунги тамаддун жараёнларини намоён этувчи шаҳарлар мавжуд. Рим, Афина, Қуддус,


ШАРИФ ШАҲАРНИНГ БОҚИЙЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Искандария, Самарқанд... Ана шундай шаҳарлардан яна бири Бухорои шариф ҳисобланади. Муаррихлар унинг қад ростилаши эрамиздан олдинги 6-5 асрлардан бошланганини эътироф этадилар. Эрамиздан олдинги 4 асрда юнон тарихчилари уни «Сўғлар ўлкасидаги йирик истеҳкомли қалъа» деб тилга оладилар. Милодий эра бошларидаги Рим қадимшунослари «Бухоро

— Осиёдаги савдо шаҳри», деб маълумот берадилар. Шаҳар ўтмишда, турли даврларда ҳар хил номлар билан атаган. Уни Ну-мижкат, баъзан Бумискат деб юритишган. Араблар дастлаб унга «Мадинат ус-суфрия», яъни «Мис шаҳри» номини беришган. Кейинчалик эса «Мадинат ут-тужжор» — «Савдогарлар шаҳри» деб ёзишган. Ҳадислардан бирида унинг «Фохира» деган номи

ҳам келтирилади. Шаҳарнинг бундан бошқа номлари ҳам мавжуд. Лекин у нима бўлмасин тарих бағрига Бухоро деган ном билан муҳрланди. Наршахий «Бухоро тарихи» асариде уни «Барча даврлар учун мангу, боқий шаҳар» деб таърифлайди. Ҳаёт муаррихнинг бу сўзларини исботлади. У боқий шаҳарга айланди.

6 >





МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ

САЙЛОВ — 2016

2016 йилнинг 6 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан жорий йилнинг 4 декабрь кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик

кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси ва ЕХХТ ўртадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. ЕХХТ лойиҳалар координатори

Тошкентдаги офиси “Ўзбекистон Республикаси сайлов амалиётини такомиллаштиришга қўмаклашиш” қўшма лойиҳаси доирасида мамлакатимизда сайлов амалиётини янада демократлаштиришнинг турли масалаларига бағишланган халқаро тадбир, анжуман ва семинарларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишда фаол иштирок этди. Уларнинг ишида ЕХХТга аъзо мамлакатлар вакиллари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича хорижий тажрибани ўрганиш имконига эга бўлди.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари Испания, Франция, Дания, Буюк Британия сайлов амалиёти билан яқиндан танишиш, хусусан, сайловчиларнинг ягона электрон реестрини яратиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш имконига эга бўлди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда парламент ва Президент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёни юзасидан бир неча марта кузатув олиб борган. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси шу йилнинг 11-14 октябрь кунлари Эхтиёжларни баҳолаш миссиясини юборишга қарор қилди.

Сайлов санаси эълон қилинганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан салмоқли ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлди, — дейди Жон Макгрегор. — Бу ўринда комиссия томонидан ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловни кузатиш учун биринчилардан бўлиб таклиф этилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бюро экспертларининг мазкур жараёнда иштирок этиши келгусида ЕХХТга аъзо барча 57 мамлакат учун кимматли тажриба бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТ

— Сайлов арафасида “сайлов округи”, “сайлов участкалари” иборалари кўп қўлланилади. Айтинг-чи, уларнинг бири-бирини қандай фарқи бор?

Д.Абдуллаев,
Тошкент вилояти

Сайлов округи Президентликка номзод сайланадиган ҳудуд ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат бир шахс сайлашни эътиборга олган ҳолда Президентликка сайловлар ягона сайлов округи бўйича амалга оширилади. Уларга маъмурий-ҳудудий бирлик хизмат қилади. Ягона сайлов округи деб аталганининг сабаби, у сайлов жараёни ўтказиладиган бутун ҳудудни қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда ягона сайлов округи республиканинг 12 та вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган бўлиб, улар — 14 та сайлов округидан иборат.

Сайлов округлари, одатда, сайлов участкалари, яъни фуқароларнинг сайлов жараёнида амалга ошириш учун борадиган ва овоз берадиган муайян ҳудудларга бўлинади. Сайлов участкаси — битта овоз бериш пунктига хизмат кўрсатадиган ҳудудий бирлик. Одатда, мазкур пунктлар аҳоли қатнови учун қулай бўлган жойларда: мактаб, лицей, коллеж бинолари ва бошқа жамоат жойларида ташкил этилади. Бу мумкинлиги анъанасига хос.

— Яқинда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам Президент сайловида ўз номзоди билан иштирок этмоқда. Айтинг-чи, Президентликка номзодлар фақатгина сиёсий партиялар томонидан илгари суриладими? Умуман олганда, Президентликка номзодларни илгари суриш тартиби ва шартлари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Р.Назирова,
Самарқанд вилояти

Сайлов қончилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар натижасида сиёсий партиялар сайлов жараёнининг асосий субъектига айланади. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни муштарак равишда илгари суриш ҳуқуқига эга бўлган ягона жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганда эълон қилинган кундан қамқо олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиянинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиянинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қўйиладиган илова қилинади:

— сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

— сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

— сиёсий партия органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими, иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо қарорлари.

— Яширин овоз бериш принципи деганда, нима тушунилади?

Ш.Содиқов,
Жиззах вилояти

Яширин овоз беришнинг моҳияти сайловчиларнинг хоҳиш-истагини билдиришига нисбатан назоратга йўл қўймасликдан иборат. Яъни сайловчиларнинг овоз бериш натижалари яширинлиги, сайлов бюллетенининг ўзга шахслар кириши ман этилган кабиномларда ёки махсус жиҳозланган бошқа жойларда тўйдирилиши амалга оширилган ҳолда таъминланади.

Саволларга ҳуқуқшунос
А.РАҲМОНОВ жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш тартиби

Барчамизга маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий тараққиётига таъсир қилувчи, демократик характерини кўрсатувчи кўпжа ҳолатлар бўлиб, уларнинг орасида сайлов алоҳида ўрин тутати. Демократик тамойиллар асосида ташкил қилинадиган ва ўтказиладиган сайловлар бир томондан, шу мамлакатдаги фуқароларнинг давлат органларини тузиш, давлат органлари ишида бевоқифлиги широкроки таъминласа, иккинчи томондан, тўғри ташкил қилинган демократик сайловлар натижасида фуқаро ва жамият манфаатига мос давлат органлари вуҷудга келади.

Ҳар бир сайлов мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа ҳисобланади. Зеро, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат ва ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади. Дунё таърибасидан маълумки, сайловлар қандай ўтиши мамлакатдаги ҳуқуқий меъёрлар, сайлов ҳуқуқи эркинлиги ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Мамлакатимиз сайлов тизимининг ҳуқуқий асоси ҳақида сўз юритганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонулар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларини алоҳида тилга олишимиз лозим. Мазкур ҳужжатлар билан мамлакатимиз сайлов тизимининг ҳуқуқий асоси яратилди, демократик тарзда сайловлар ўтказилишининг тартиби ва тамойиллари белгилаб берилди.

Хусусан, Конституциянинг XXIII боби “Сайлов тизими”га бағишланган, унда жаҳон миқёсида ўзини оқлаб келадиган сайлов ҳуқуқининг умумий принциплари — умумий, тўғридан-тўғри, тенг ҳамда яширин овоз бериш сайлов принциплари мустаҳкамланди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита



чеклашга йўл қўйилмаслиги белгиланиб, сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгилашни кўрсатиб қўйилди.

Хусусан, 2016 йилнинг 4 декабрь кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеадир. Ушбу сиёсий жараёни тартиб-адолатли равишда амалга оширишга эга. Мазкур қонун мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишидан деярли бир йил олдинроқ қабул қилинган

вийликка асосланган, муқобил сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий базаси яратилди ҳамда мавжуд сайлов қончилигини такомиллаштириш мақсадида уларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими конституциявий-ҳуқуқий асосларини яратилиши даврининг иккинчи босқичи (1995-2000 йй.) — биринчи босқичда миллий сайлов қончилиги асосида ўтказилган парламент сайловларида тўпланган амалий тажрибага асосланиб, сайлов қончилиги янги қонун — Ўзбекистон Республи-

кий мақоми, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимига киришиш тартиби қаби қондалар янгича мазмунда ўз аксини топди.

Шунингдек, 1999 йилда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 26 ва 28-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, унга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” қонунга сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тартиби ва муқаддатлари янгича мазмунда акс эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳамда номзодларга ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш, либераллаштириш ва сайлов амалиётини такомиллаштиришнинг учинчи босқичи (2000-2009 йй.) — бу муқаддат мамлакатимизда фаол демократик янгиликлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодий барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишда муҳим роль ўйнаган жараёнларга бой бўлди. Бу давр бевоқифлиги икки палатали парламент тизимига ўтиш билан боғлиқ сайлов қончилигининг тадрижий тараққиётига асосланган иккинчи босқичнинг умумий мазмуни-моҳиятини ташкил этади. Мазкур ҳуқуқий ислохотлар сайлов қончилигига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш орқали амалга оширилди.

Хусусан, 2000 йилда “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига ўзгариш киритилиб, янги нормага мувофиқ, сайланган шахсга Ўзбеки-

стон Республикаси Президентини этиб сайланганлиги тўғрисида қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган намунадаги гувоҳнома топирилиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, 2004 йилда эса “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, сайлов округлари ва участкаларини тузиш тартиби, комиссияларда аъзолик, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи, сайловда ташвиқоти, сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш, округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови натижаларини аниқлаш ва белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимига киришишга оид ҳуқуқий муносабатлар янгича мазмун касб этди.

Бундан ташқари, 2008 йилда “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 9 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, унга мувофиқ, қонун моддаларидаги “сайловчилар ташаббускор гуруҳи” деган ибора чиқариб ташланди. Демак, эндиликда фақат сиёсий партиялар сайловларининг фаол иштирокчисига айланди.

Мазкур ўзгариш ва қўшимчалар 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган “Давлат бошқарушини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонун билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириши назарда тутатди.

Шерзод ЗУЛФИҚРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, юридик фанлари номзоди, доцент

2000 йилда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига ўзгариш киритилиб, янги нормага мувофиқ, сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган намунадаги гувоҳнома топирилиши белгилаб қўйилди.

САЙЛОВ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда истиқлол йилларида миллий сайлов тизими ривожланиши масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчи ва талабалари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўтган даврда эркин ва адолатли сайловларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ва янада ривожлантириш борасида катта амалий тажриба тўпланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунилар сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ўтказилган сайловларда тўпланган бой амалий тажриба, халқаро сайлов стандартлари миллий сайлов қонунчилиги демократик ислохотларга мос тарзда тадрижий ривожланиб, тақомилга етиб боришида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

2015 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий сайлов қонунчилигини демократик тамойиллар асосида янада тақомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда жорий йилнинг 4 декабрь кuni бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш доирасида амалга оширилаётган ишлар, сайловларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, унда ҳар бир фуқаро учун кенг имкониятлар яратилганлиги ҳақида ҳам фикр юритилди.

Б.БОЗОРОВ, ЎЗА мухбири

НАМУНАЛИ САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТАҚДИМОТИ

Тошкент вилояти Қибрай туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Дўрмон» маданият саройида ташкил этилган намуналий сайлов участкасининг тақдими билан бошланди.

Марказий сайлов комиссияси котиби С.Қурбонқулов, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Х.Ҳамидов ва бошқалар сайловга тайёргарлик жараёнида участка сайлов комиссияларининг сифатли ва самарали фаолият юритиши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилиши мазкур сийёсий тадбирнинг ҳар жиҳатдан юксак савияда ўттишининг асосларидан бири эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси аъзолари, округ қошидаги матбуот маркази ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари иштирок этган семинарда сайловнинг миллий қонунчилигимиз талаблари асосида ошқора ўттишини таъминловчи масалалар юзасидан яна бир бор фикр алмашилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари М.Йўлдошева. — Сайлов участкасини барча меъерий талабларга мувофиқ жиҳозлаш, унда муҳим сийёсий тадбирни юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш учун барча шароит яратиш масалалари намуна сифатида кўрсатилганини иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинарда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари», «Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар», «Участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштиришнинг тартиб-қоидалари» мавзуларида маърузалар тингилди.

И.АВВАЛБОВ, ЎЗА мухбири



Пухта ҳозирлик кўрилмоқда

САЙЛОВ ШТАБЛАРИДА

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам шу йил 4 декабрда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кизгин олиб борилмоқда. Бу муҳим сийёсий кампанияга оид барча тадбирларни 6-Наманган округ сайлов комиссияси мувофиқлаштириб бормоқда. Округ сайлов комиссияси ҳузуридаги матбуот маркази олиб борилаётган ишлар ҳақида марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари журналистларини ўз вақтида хабардор қилиб турибди.

Айтиш жоизки, 6-Наманган округ сайлов комиссияси жамоатчилик орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган, иш ва ижтимоий ҳаётда фаол, ҳар жиҳатдан намунали инсонлар — турли соҳа вакилларидан таркиб топан. Ушбу сайлов комиссиясига Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Пахриддин Маткаримов раҳбарлик қилмоқда.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2016 йил 9 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кuni деб белгиланган тўғрисида қарор қабул қилди, — дейди П.Маткаримов. — Шу асосда 2016 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 15 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Наманган вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов округи тузилиб, округ сайлов комиссияси учун шаҳардаги «Ешлар маркази» биносида жой ажратилди. Вилоятимиз бўйича сайловда 1 миллион 771 минг киши катнашиши кутилмоқда.

Ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг бир нечта мажлиси бўлиб ўтди. Уларда сайлов кампаниясини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш, фуқароларнинг сайловда ўз ҳоши-иродаларини эркин намоян этишлари учун шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг тегишли моддаларига мувофиқ туман, шаҳар ҳокимликлари

ҳамда ҳарбий қисмлар командирларининг сайлов участкаларини тузиш тўғрисида округ сайлов комиссиясига тоширган тақдимномалари асосида округ ҳудудида 690 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкаларининг тартиб рақамлари, чегараси, манзиллари кўрсатилган рўйхати тасдиқланди. Уларни алоқа воситалари ва кўрғазмали воситалар, зарур адабиётлар, матбуот нашрларининг янги сонлари билан тўлиқ таъминлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Сайловнинг халқаро меъёрлар ва андозаларга мос бўлишини, очкилик ва ошқоралиқни таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун комиссия ҳузурида тузилган матбуот маркази фаолияти аниқ ва пухта режа асосида йўлга қўйилган.

Марказ таркибиде беш нафар тажрибали журналист иш олиб боради, — дейди матбуот маркази раҳбари Соҳижон Рашидов. — Улар орасида босма ва интернет нашрлар, электрон оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бор. Ўтказилган брифингларда округ сайлов комиссияси олиб бораётган ишлар атрофида таҳлил қилинди. Журналистлар ташкил этилаётган тадбирлар ҳақидаги маълумотлар билан ўз вақтида таъминланмоқда. Оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва ижодий уюшмалардан аккредитациядан ўтказиш бўйича мурожаатлар кўриб чиқилди ва уларнинг вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Adolat» мухбири

Муҳим сийёсий жараённинг масъулиятли палласи

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампанияси эълон қилинган, юртимиздаги ҳар бир сийёсий партия ўз олдига вазифалар белгилаб олиб, мамлакат сийёсий майдонидаги ўрнини мустаҳкамлаш сари янги қадамни бошлади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг навбатдаги Пленумида мазкур сайловда иштирок этиш ва номзод кўрсатиш масаласи чуқур муҳокама этилиб, партия фаоллари жараёнга ўз муносабатларини билдирдилар. Сийёсий Кенгаш Пленуми қарорлари асосида партияимизнинг ҳар бир вилоят, туман, шаҳар ташкилотлари ўз пленум йиғилишларини ўтказиб, кўтарилган масалага оид таклиф ва кўрсатмалар ишлаб чиқдилар.

Айни пайтда сайлов кампанияси ўзининг кизгин палласига кирган. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга асосан сайлов жараёнлари босқичма-босқич, қонуний меъёрлар ва фуқаролар ҳуқуқларига амал қилинган ҳолда амалга оширилмоқда.

Сайлов тадориги — сийёсий партия учун бир мактаб. Сайловнинг тарихоти орқали партиялар халқ ичига янада кенгрок кириб бориш, сайловчиларни тинглаш, сийёсий ва ҳуқуқий саводхонликни юксалтириш имкониятига эга бўладилар. Сайлов кампаниясининг тизимли фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ, жиддий ёндашув ва масъулият талаб этувчи жараёндир.

Жумладан, партиядан кўрсатилажак номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ҳақида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга 2015 йил 29 декабрда киритилган ўзгартишларга мувофиқ сийёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилар умумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизгача камайтирилди. Бу 214 минг 350 нафар сайловчи имзосини ташкил этади.

Партияимизнинг ҳудудий кенгашлари томонидан режалар тақсимот асосида жойларда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида номзодимизни қўллаб-қувватловчи имзолар йиғиш ишлари якунига етказилди. Айни пайтда йиғилган имзо варақалари сайлов штабларида ишчи гуруҳи аъзолари томонидан яна бир бор кўздан кеңири-либ, партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппаратида ташкил этилган Марказий сайлов штабига етказилмоқда. Ўз навбатида, Марказий сайлов штаби аъзолари ҳар бир ҳудуддан тўпланган имзоларнинг ҳаққонийлигини яна бир бор текширувдан ўтказиб, рақамлар умумлаштирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур жараёнга партиянинг барча ташкилотлари — «Аёллар қаноти» ва «Еш адолатчилар» қаноти фаоллари, БПТлар аъзолари, электоратимиз вакиллари ва хайрихоҳларимиз бир ёқадан бош қириб, уюшқоқлик билан бел боғладилар. Партия фаолларининг таъкидлашларича, имзо тўплаш жараёнида бугунги сайловчи кеңагисидан фарқ қилиши, халқимизнинг сийёсий онги, ҳуқуқий маданияти юксалгани яққол намоян бўлди. Улар ҳозирги биргина имзо ҳамда сайлов кuni берадиган овозлари орқали муҳим сийёсий жараёнда фаол иштирок этаётганларини хис этмоқдалар.

— Имзо тўплаш масаласида фаолларимиз чуқур масъулият билан қарадилар, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти кенгаши раиси Асрор Турсунов. — Имзоларни йиғиш жараёнида турли ташкилотларда тадбирлар ўтказилиб, сайлов қонунчилиги, сайловчининг ҳуқуқлари, сайловга қадар босиб ўтиладиган йўл батафсил тунуштирилди, фуқароларнинг саволларига жавоб берилди.

Ҳаммамизга аёнки, партия иши мавсумий эмас. Фаолиятимизда сайловга тайёргарлик билан чекланиб қолмаганимиздек, сайлов кампанияси даврида ҳам партияимиз дастури, асосий макссад ва вазифаларини оммага етказишга ҳаракат қилаёмиз. Номзодимизни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш асосида ҳам бунга катта эътибор қаратилди. Шу муносабат билан ўтказилган учрашуларда қўллаб-қувватловчилардан партияга аъзо бўлиш таклифи тушди. Демак, сайловнинг кампанияси партияимиз нуфузи ошишига, сафий кеңагисига хизмат қилмоқда, десак муболага эмас.

Айни пайтда ўтказилаётган туман ва шаҳар партия кенгашлари конференцияларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши конференцияларига муносиб делегатларини сайлаш давом этмоқда. Партиянинг барча ҳудудлардаги сайлов штаблари фаолияти Марказий сайлов штаби томонидан мувофиқлаштирилиб, зарур кўрсатмалар бериб боришмоқда. Сайловга оид ҳар бир масалага доир гуруҳлар тузилиб, штаб аъзоларидан масъуллаб белгиланди. Эндиликда партиядан кўрсатиладиган номзоднинг жамоатчилик билан алоқаларини амалга ошириш, тарғибот материаллари тайёрлаш, жойларда сайловчилар билан учрашулар ўтказиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Матбуот хизмати

АСЛ ҚАҲРАМОНЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Шаҳрисабзда Амир Темури, Ўзбекистон Президентини соврини учун Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди.

Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари ва жасорати туфайли 1998 йил 6 сентябрь кuni жаҳон ҳамжамияти ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди: Тошкент шаҳрида Кураш халқаро ассоциациясига асос солинди.

Биринчи Президентимиз 1999 йил 1 май кuni пойтахтимизда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида бир гани айтганди: «Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзи-

нинг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллиатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг се-вими машғулотига айланади».

Давлатимиз раҳбарининг айтгани бўлди: кураш спорти боис «таъзим», «кураш», «тўхта», «ёнбош», «чала», «дакки», «халол» каби ўзбекча сўзлар халқаро спорт атмаларига айланди; бугун жаҳоннинг 123 мамлакатда кураш федерациялари ишлаб турибди; шу кунгача ўзбек кураши бўйича катталар ўртасида ўн, ешлар ўртасида саккиз, фахрийлар ўртасида икки бор жаҳон чемпионатлари муваффақиятли ўтказилди. Хар йили Америка, Осиё, Европа, Африка ва Океанияда кураш бўйича китъа чемпионатлари бўлиб ўтмоқда. Бундан ташқари,

дунёнинг қўллаб-қувватла-ларида 500 дан зиёд турли халқаро турнирлар ташкил этилди. Бугун ўзбек кураши Соҳил, Ёпиқ иншоотлар ва яккакурашлар, болалар ва ёзги Осиё ўйинлари таркибидан ўрин эгаллади. Умидимиз борки, яқин орада миллий курашимиз ёзги Олимпия ўйинлари дастурига ҳам киритилди.

Ислом Каримов ўзбек курашининг Бош полвони эди. Шу боис ҳам Биринчи Президентимиз Кураш халқаро ассоциациясининг фахрий президенти этиб сайланган-ди, Ассоциация олий ишони — «ИКА Олтин ордени»нинг илк соҳибини ҳам айнан Юртбошимиз бўлгани бежиз эмас. 2000 йили Буюк Британия кураш ассоциацияси асос солган халқаро турнир-га ҳам Биринчи Президентимизга чуқур эҳтиром сифатида Ислом Каримов номи берилган.

Ўша 1999 йил ҳаётимизда энг бахтли йил бўлганди: 31 ёшимда ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпиони, Ҳаким ат-Термизий, Президент кубоги мусобақаларининг мутлақ ғолиби бўлдим. Буларнинг бари бир тарафу, ўша йили «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллик тўйида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг мени бағрига босиб, даст кўтаргани бир тараф бўлди. Ўшанда ич-ичимдан «и-е, биз ҳам ўзимизни полвонимиз, деб юрган эканмиз-да», деган гап ўтгани ҳам чин. Ахир айни кунга тўлган пайтим — вақим 130 килограмдан оғир эди. Дунёнинг мана-ман деган полвонлари ҳам оёғимни ердан узолмаганди-да.

У киши хар гал Сурхондарёга келганда, полвонлар-га жуда катта эҳтиром кўрсатарди. Эсимда: 2014 йил 28 ноябрь кuni Биринчи Пре-

зидентимиз Термиз шаҳрига Амир Темури орденини тапширар экан, «кураш беллашувларида «халол» деган сўз энг олий баҳо сифатида янграйди. Шаҳсан менга бу ибора бамисоли бутун халқимизга, жумладан, Сурхон элига мансуб энг улуг фазилатини ифода этаётгандек бўлиб туюлади», деганди. Асл халоллик — ўй, сўз ва ишнинг бир бўлишини биз Ислом Каримов фаолиятида кўрдик. Биз халолликни Биринчи Президентимиздан ўргандик.

Ислом Каримов 2015 йил 20 февраль кuni Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашувдан сўнг Бойсунда миллий курашга ихтисослашган мактаб-интернат ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Орадан ўн кун ўтиб — 3 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сурхондарё вилоятида спортнинг миллий ку-

раш турини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мана, шу кунларда Бойсун туманидаги соҳиб 20-мактаб неғизда миллий курашга ихтисослаштирилган илк мактаб-интернат замонавий шарт-шароит-да иш бошлаш арафасида турибди.

Ислом Каримов билан сўнги бор — шу йил 30 июнь кuni Сурхондарё вилоятига ташриф буюрганда кўришдик. Юртбошимиз ўшанда курилиш ишлари ҳақида гапириб, «биз кураётган бинолардан наиники бугунги, балки келгуси авлодлар ҳам завқ олсин, асрлар давомида эслаб, ўзгача гурур билан яшасин» деганди. Мана, бугун Термиз шаҳри улкан бунёдкорлик майдонига айланди: шаҳарнинг кичик халқа йўли, «Амударё» спорт-соғломлаштириш маркази, 700 ўринли санъат саройи биноларида курилиш-

таъмирлаш ишлари авжида. Термиз археология музейини таъмирлаш ишлари якунланмоқда.

...Уч-тўрт кун аввал Самарқандга бордим. Ислом отанинг қабрини яна бир бор зиёрат қилдим, Биринчи Президентимиз туғилиб ўсган уйга фотиҳага ўтдим. Қайтаётиб, ўйладим: асл қаҳрамонлар мангу яшайди. Халқимиз омон экан, фарзандларимиз Ватанимиз шаъни, элимиз ор-номуси ва гурури учун майдонга тушаверади. Ўзбекистон халқи, фарзандлари қачон бир марра-ғалабага эришаркан, самодан бир нуруний чехра бизга жилмайиб боқад.

Тоштемир МУҲАММАДИЕВ, кураш бўйича жаҳон чемпиони, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибини. ЎЗА

ПАРТИЯНИНГ ҚУЙИ ТАШКИЛОТЛАРИ сайлов кампаниясида фаол иштирок этмоқда

Мамлакатимизда партияларо сиёсий рақобат муҳитида, демократик тамойиллар асосида кечаётган сайлов кампанияси қизгин паллага кирмоқда. Миллий сайлов қончилиги талабларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси асосида партияимизнинг барча бўғиндаги тузилмалари ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда сайлов кампаниясида фаол қатнашмаяпти. Шу кунларда партиянинг шаҳар, туман ташкилотларининг навбатдан ташқари конференциялари бўлиб ўтмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР. Ўзбекистон "Адолат" СДП Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур ва Яшнобод туман кенгашларининг конференцияларида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари VII конференциясига делегатлар сайлаш масаласи муҳокама қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчилар имзолариш тўплаш юқори тайёргарлик асосида ўтганлиги алоҳида кайд қилинди. Иштирокчилар сайлов кампаниясида туман партия ташкилотларининг галдаги долзарб вазифалари хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритдилар.

Сайлов кампаниясида аҳоли ўртасида партия мафқурасини илгари суриш, профессионал маҳорат, сиёсий салоҳиятимиздан кенгрок фойдаланиш, партия фаолларидан иборат ташаббускор гуруҳларнинг самарали ишлашига эришиш туман ва шаҳар партия ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. — деди Юнусобод туман партия кенгаши раиси Махбуба Орифхонова. — Айниқса, партияимиз позициясини амалга оширишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлари билан ҳамкорликда ишлаш, аҳоли ўртасида тарбиёт-ташвиқот ишларини олиб боришда "Аёллар қаноти" ва "Ёш адолатчилар" қаноти ҳамда БПТларнинг фаоллигини кучайтириш зарур.



Ўз навбатида, конференцияда ҳисобот даврида амалга оширилмаган ишлар, йўл қўйилган камчиликларга ҳам ҳолисона баҳо берилиб, бундан тўғри хулоса чиқариш, жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловига пухта ҳозирлик кўриш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

АНДИЖОН. Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон шаҳар кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди.

Сайлов қончилигининг такомиллаштирилиши ва уларнинг мазмуни аҳолига батафсил етказилаётгани туфайли сайловчиларнинг сиёсий жараёнларга бўлган муносабати йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. Бу 2014 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайлов жараёнларида ҳам яққол кўзга ташланди.

Вилоятимизда маҳаллий Кенгашларга партияимиздан сайланган 63 нафар депутатнинг сафдошларимиз номидан сайловчилар билан фаол иш олиб бораётгани ва энг муҳими, уларга бўлган ишончнинг ортиб бораётгани фикримиз далилидир.

Конференцияда дастлаб юқоридагилар ҳақида сўз юритилди. Таъкидланганидек, амалдаги қонунчиликда сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентини, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиши кафолатланган. Бу айни вақтда партияимизнинг дастурий ғоя ва вазифаларини амалга ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимо-



САМАРҚАНД. Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари фаолиятини демократик талабларга мос ҳолда ривожлантириш, аввало, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга чуқур дахлдорлик билан қараб, фаол иштирок этишини тақозо қилмоқда.

Ўз электорати манфаатлари ва ҳаётини эҳтиёжларини таъминлаш баробарида Ватан равнақи ва фаровонлигига эришишни мақсад қилган сиёсий партиялар эса айни шу масалада ташаббускорлик кўрсатишлари, халқнинг бунёдкорлик куч-ғайратини аниқ ишларга қарата олишлари лозим.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тайлоқ туман кенгашининг навбатдан ташқари конференцияси ана шундай

раққиёти билан боғлиқ ҳамда фуқароларни ўйлантираётган масалаларни халқ этидида фаол сафдошларимизнинг ташаббускорлиги тобора кўпроқ намоён бўлаётганини таъкидлади.

— Партиядошларимизнинг фидойилиги, сиёсий маҳоратини кўрсатувчи бундай фаоллик куйи бўғинлар фаолияти анча кучайганида ҳам кўзга ташланади, — деди Н.Акрамова. — Вилоят партия кенгашининг конференциясига ўз фаолиятида инсонпарвар ғояларимиз, электорат манфаатларини рўёбга чиқаришда яхши тажриба тўплаган, сиёсий етук сафдошларимиздан делегатлар сайлашимиз айни муддаодир. Бундай фаол партиядошларимиз орасида ёшлар

СУРХОНДАРЁ вилоятидаги шаҳар ва туман партия ташкилотларининг конференциялари ҳам юқори савияда ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган режага асосан барча ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш лозимлиги конференция қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

— Бугунги тезкор давр барчамиздан ташаббускор ва илғор, замон билан ҳамнафас бўлишни талаб этади, — дейди Денов туман партия кенгаши раиси Абдулқолим Бўриев. — Айниқса, партия фаоллари ва аъзоларининг сиёсий жараёнда бевосита иштирок этишини назарда тутсақ, шубҳасиз, биз бир қадам олдинда бўлишимиз керак. Шундай экан, ҳар биримиз фаоллик кўрсатиб, сайловнинг кўтаринки руҳда ўтишига ўз ҳиссамизни қўшимиз шарт.

Анжуманда асосий эътибор Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгашининг VII конференциясига делегатлар сайлашга қаратилди. Мазкур жараёнда делегатлар зиммасига алоҳида масъулият юкла-

тилиши, яъни улар вилоят конференциясида дастурий мақсадларимиз ҳамда туман партия ташкилоти манфаатларидан келиб чиқиб иш олиб боришлари зарурлиги алоҳида эътироф этилди. Баҳс-мунозаралар ҳамда ўзаро фикр алмашувлар руҳида ўтган конференцияда партия ишида ҳар жиҳатдан ибрат кўрсатаётган, ташаббускор, электорат эътиборини қозонган сафдошларимиз, маҳаллий Кенгаш депутатлари, "Аёллар қаноти", "Ёш адолатчилар" қаноти ҳамда БПТ фаолларидан иборат делегатлар сайлаб олинди.

— Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён саналган бўлажак сайловга пухта тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказишга муно-

миксдаги нуфузининг янада мустаҳкам бўлишида муҳим омилдир. Ўзини ўзи бошқариш органи фаоли сифатида жамоатчилик орасида бўлганимизда фуқаролар қўллаб-қувватлаш билан муносабат қилади. Анжуманда қўллаб-қувватлашга эга бўлди.

Тадбирда жойлардаги БПТларнинг етакчилари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига фуқароларнинг сиёсий билимлари ва фаоллигини оширишга доир вазифалар юқланди.

Сайлов кампанияси даврида ОАВлар орқали тарбиётни янада кучайтириш энг долзарб вазифалардан бири экани иштирокчилар диққат марказида бўлди. Чунки партияимиздан кўрсатиладиган номзод ва унинг сайловдаги дастури билан таништиришда бу катта аҳамиятга эга.

Конференция давомида вилоят партия кенгашининг конференциясига делегатлар сайланди. Уларни танлашда партиядошларимизнинг сиёсий фаоллиги, ташаббускорлиги, ҳудудда обрў-эътиборга эгаллиги инобатга олинди.

ФАРҒОНА вилоятидаги туман, шаҳар партия ташкилотларининг конференцияларида Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши конференциясига делегатлар сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига партияимизнинг муносиб иштирокини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Анжуманларда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, БПТлар етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— Сайлов халқимиз хоҳишироқасини ифода этувчи демократия кўзгусидир. Унинг равшан ва шаффоф бўлиши, бу муҳим сиёсий тадбирда очиқлик ва ошқоралиқнинг таъминланishi сайловчиларнинг фаоллиги, сиёсий партиялар, жумладан, бизнинг куч ва имкониятларимиз, сайловларда орттириш тажрибаларимиз, фидойилигимизга узвий боғлиқ, — дейди халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Дилором Бўрибекова. — Ўзбекистон "Адолат" СДП — чинакам халқ иши учун бел боғлаган, социал-демократия ғояларига таянган сиёсий куч сифатида Фарғона шаҳрида ҳам ўз мустаҳкам тузилмаларига эга, деб айта оламиз. Айни кунларда фаолларимиз томонидан сайлов жараёни билан боғлиқ ташкилий-партиявий ишлар белгиланган режа асосида амалга оширилмоқда.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига қўллаб-қувватлаш талабларига мувофиқ, демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлашда партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан олиб борилаётган тарбиёт ишлари муҳим аҳамиятга эга эканига эътибор қаратилди.

Бешарик туман партия ташкилотининг конференциясида таъкидланганидек, сайловга пухта тайёргарлик кўриш, ушбу сиёсий тадбирда муносиб иштирок этиш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга жиддий масъулият билан ёндашишни талаб этади. Анжуманда сайлов кампанияси жараёнида партия фаоллари ва де-

ҳам борлигини алоҳида келтириб ўтиш лозим.

Анжуман иштирокчилари кайд этганидек, партия кенгаши электорат билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, улар ўртасида сиёсий тарғиботи кучайтириш, депутатлар фаолиятини ҳокимият вакилик органида кўриб чиқиладиган муҳим масалаларга қаратиш орқали партия дастуридаги талайгина вазифаларни амалга ошира олган. Ўтган вақт мобайнида халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида партия дастурига мос иккита таклиф муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Электорат билан ишлаш борисида тўпланган тажриба жорий йилнинг 4 декабрь куни мамлакат Президентлигига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнида яна яққол намоён бўлиши лозим.

Музокараларда туман тиббиёт бirlашмаси қоншидаги бошланғич партия ташкилоти раиси Азиза Эрматова, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Сулаймон Бокиев, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзоси Лочин Шуқуров ва бошқалар сўзга чиқиб, партиявий фаолиятни янада кучайтириш, мамлакатимиздаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш ва вилоят партия кенгаши конференциясига муносиб делегатлар сайлаш юзасидан аниқ таклифлар билдирдилар.

Иштирокчиларнинг фикрича, ўтган сайловлар давомида орттирилган тажриба, кейинги йилларда куйи партия ташкилотларининг фаолияти сезиларли равишда такомиллашгани бу борада ўз самарасини намоён қилади, албатта.

Конференциялар доирасида куйи партия ташкилотларидаги сайлов штаблари ҳамда илгери гуруҳлар фаолиятини намунали йўлга қўйиш чора-тадбирлари хусусида фикрлашиб олинди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислохотларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг устувор дастурий вазифаларидан саналади.

Бунинг теран англаган Ўзбекистон "Адолат" СДП Кегейли туман кенгаши фаоллари доим электорат орасида бўлиб, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириб бориш билан бир қаторда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги фаол иштирокига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Бу эса ўтган йиллар давомида мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтган сайловларда ўз аксини топди.

Кегейли туман партия кенгашининг навбатдан ташқари конференциясида мамлакатимизда жорий йилнинг 4 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига бўйича сайлов кампанияси билан боғлиқ барча чора-тадбирларни белгиланган режалар асосида ушшоқлик билан олиб бориш хусусида атрофлича фикрлашиб олинди.

Шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга теран тушунтириш, электоратни ўйлантираётган муаммоларнинг аниқ ечимини топишга қўмақлаштириш партия фаолларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Zero, сиёсий партия фаолиятига баҳо берилганда ушбу партия фаолларининг ўз электорати фуқаролар ишончини неочил оклаётгани муҳим мезон ҳисобланади.

Халқ депутатлари Кегейли туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Маржан Шолтаеванинг таъкидлашича, электорат томонидан билдирилаётган муносабатларнинг ижобий ечим топишига эришиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий Кенгаш сессиялари қарорларининг ижроси юзасидан партия ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат ва ННТ ташкилотлари билан самарали ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш сиёсий кучнинг нуфузи ортишига сабаб бўлади. Кегейли туман партия кенгаши томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирлар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, инсон манфаатларини самарали ҳимоя қилишда амалий аҳамият касб этапти.

— Жорий йилда туман партия кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига қаратилган жиддий эътибор, ўтказилган келинаётган сиёсий ўқувлар сайлов жараёни билан боғлиқ чора-тадбирларда ўз ижобий самарасини беришига ишонимиз, — дейди халқ депутатлари Кегейли туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Майрамбай Досбергенов. — Сабаби, партия фаолияти, сайлов қонунчилиги ва сиёсий жараёнлардан яхши хабардор бўлиш бу сиёсий тадбирда фуқароларнинг жиддий масъулият билан қатнашларига хизмат қилади.

Анжуман ишида сайловга пухта тайёргарлик кўриш, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши конференциясига делегатлар сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Туман партия кенгаши раиси Бахтиёр Худойбердиев туман партия ташкилотининг конференциясига жиддий ҳозирлик қўрилганлиги ўз самарасини берганини таъкидлади. Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши конференциясига муносиб делегатларни сайлаш билан бирга, ҳозирги кунда олиб бораётган ташкилий-партиявий ишлар, сайлов кампанияси юзасидан вазифалар чуқур таҳлил қилинди.

Конференциялар ишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, партиянинг бир қатор ташаббускор ва фаол вакиллари ҳудудий партия ташкилотларининг шу йил 7-11 октябрь кунларида бўлиб ўтадиган конференцияларига делегат этиб сайланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларининг конференцияларига делегатлар сайлаш юзасидан ўтказилаётган шаҳар ва туман партия ташкилотларининг конференциялари давом этмоқда.

Шарипа ТОРЕШОВА, Мақсуд ТЎРАЕВ, Узоқбой РИСКЎЛОВ, Комила ИСРОИЛОВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона вилоят кенгашлари матбуот қотиблари, Феруз ЖЎРАЕВ, Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ, Акбаржон НАЗАРОВ, "Adolat" мухбирлари

Давоми. Бошланғич 1-бета

Шаҳарнинг энг қадимий ёдгорликларидан бири унинг марказидан ўрин олган Арк ҳисобланади. Бир неча гектар жойини эгаллаган бу маскан қурилиши ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Урта аср тарихчиси Абул Хасан Нишопурий "Хаозийн ул-улум" асарига Арк қурилиши билан боғлиқ бир воқеани келтирди. Унда айтилишича, Сиёвуш ибн Кайковус отасидан ажралиб Афросиёб хузурига келади. Афросиёб унга кизини ва бир вилоятини беради. Сиёвуш вилоятни обод қилишга киришиб Бухоро хисорини ва Аркин бино қилади. Бироқ бир хусумат туфайли Афросиёб Сиёвушни ўлдиртиради. Сиёвуш Аркиннинг шарқий дарвозаси яқинига қўйилади.

Шундан бошлаб бухоролик эркаклар ҳар йили Наврўз тонгида Сиёвуш қабри ёнида уни хотирлаб биттадан хўроз сўядиган ва унга бағишлаб марсия кўшиқлар қуйиладиган одат чикардилар. Аҳоли ўртасида бу марсия "оташ-парастлар йигиси" деган ном олди. Тарихчи ҳикоясини бу воқеалар бўлганига уч миң йилдан ортиқ вақт ўтди, деб ақувлайди.

Бошқа бир ривоятда, Афросиёб томонидан қурдирилган шаҳар Арк вайрон бўлган, бухоролик ҳукмдорлар уни қайта тиклашга киришадилар. Аммо қайта қурилган Арк ўз-ўзидан бузилверди. Шунда доно ҳукамолар уни осмондаги етти қароқчи юлдузлар кўриниши шаклида, еттига тош устуни устига қуришни маслаҳат берадилар. Шундай асосда қурилган Арк бузилмайдиган бўлади. Булар, албатта, ривоят. Лекин Аркиннинг буюк аждодларимиз томонидан олис ўтмишда чуқур илмий асосда барпо қилинганлиги аниқ ҳақиқат. Олийлар эндиликда унинг осмон ёриткичлари шаклига монанд тарзда қурилганлигини эътироф этишмоқда. Энг муҳими, Арк неча асрлар давомида қанча вайрон қилинмасин, яна қайтадан ўз ўрнида тикланиб, обод қилиниб, шаҳарнинг боқийлик рамизи бўлиб келмоқда.

Бухоро олис тарихи давомида бир неча бор қайтадан бунёд этилган. Лекин шаҳар ўз тарихий илдизларидан ҳеч қачон узилиб кетмаган. Унинг бағрида олис ўтмишдан то бугунги кунгача қурилган қўлаб меъмورчилик ёдгорликлари сақланиб қолган. Тарихий маълумотларга кўра, XX аср бошларида улар сон 550 га яқин бўлган. Салкам бир асрга яқин вақт ичида шўро даврида унинг тарихимизга нисбатан бузғунчилик муносабати ўз таъсирини кўрсатди. Бугунги кунга келиб, шаҳарда 300 га яқин ёдгорликлар сақланиб қолган. Мустақиллик йилларида Бухорони замонавий ва миллий шаҳарсозлик асосида қайта қуриш, ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишлари ана шу ёдгорликларни асл тарихий ҳолида тиклашдан, таъмирлашдан бошланди. Дастлаб Бахавуддин Нақибанд, Сайид Амир Қулол, Чор Бақр каби тарихий мажмуалар асл тарихий асосида қайта қад ростлади. Кейин шаҳар бағридаги Чашман Аюб, Даҳман Бешитиён, Ҳазрати Абу Хафса Қабир, Шайх Абу Бақр Гулободий, Хожя Исмаиллох Валий каби улғу алломалар номлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар, макбаралар, масжид ва мадрасалар асл ҳолида қайта тикланиб, обод қилинди. Шаҳар деворининг бир қисми, жумладан, "Толипоч" дарвозаси тарихий кўринишда таъмирланди. Бухоро марказидаги Лаби ховуз мажмуаси, унинг атрофидаги Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоси, Қўқаллош мадрасаси, сув йўллари, Мағоки аттор масжиди, тоқилар, тарихий кўчалар қайта қурилиб, обод масканларга айлантирилди. Бухоронинг ўрта асрларга хос тўртта дарвозаси тарихий кўринишга мос равишда барпо этилди. Булардан ташқари Калон масжиди, минораси, Мир Араб, Мирзо Улуғбек мадрасалари тўла равишда қайтадан таъмирланди. Натияжада Бухоронинг қадимий шаҳарсозлик қиёфаси тикланди, тарих асл ҳолида бўй кўрсатди.

— Бу ерда ҳар қадамда тарих билан юзланиш. Унинг ҳар бир обидаси, мадраса ва масжиди, минораси, ховуз ва хиёбони, бозор ва кўчалари ўтмиш гувоҳлари сифатида намоён бўлади, — дейди тарих фанлари доктори Қахрамон Ражабов. — Ўз даврининг ҳаётий эҳтиёжлари туфайли бунёд этилган бу хайратомуз иншоотлар, иморатларда кеска тарих билан биргаликда аждодларимизнинг юксак ақл-заковати, донишмандлиги, илмий салоҳияти, дунёвий маданияти, ғаройиб санъати ҳам ўз ифодасини топади. Шаҳар марказидаги Чор минор ансамблига бир эътибор бериш. Бундай ўзига хос усулда қурилган ажойиб иншоот нафақат ўрта Осиёда, балки Шарқда ҳам ягона ҳисоблана-



ди. Ёки Хўжа Зайниддин, Балид масжидлари, Мир Араб мадрасасига бир назар ташланг. Юксак муҳандислик, ғаройиб санъат ва теңгиз гўзаллигининг намунаси асосида яратилган бундай иморатларни мусулмон олами-нинг бирор нуқтасида учратмайсиз. Шунинг учун ҳам улар Бухоронинг боқийлик тимсоллари саналади.

1997 йилда республикамизнинг Биринчи Президенти ва ЮНЕСКО Бош асамблеясининг қарорларига кўра, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тўғйи ўтказилиши муносабати билан шаҳарни замонавий меъморчилик тарихига асосан қайта қуришга киришилди. Спорт-соғломлаштириш масканлари, стадион янги ҳаёт кўринишда бунёд этилди. "Дехкон бозори" кенгайтирилиб, миллий анъаналар асосида барпо қилинди. Шаҳар бағрида ички айланма йўл ишга туширилди. Бу эски ва янги шаҳарни ўзаро боғлади. Вилоят ҳокимияти иншоотлари атрофида шаҳарнинг замонавий маркази вужудга келтирилди. Янги майдонлар, хиёбонлар яратилди. Бухоро давлат университетининг таъмирланган, қайта қурилган иморатлари, ўқув даргоҳлари, коллежлар ва лицейларнинг янги бинолари шаҳар кўрқига кўрк қўшди.



ва буталардан иборат. Авваллари Бухоро заминидан арча ўстириш ниҳоятда қийин иш ҳисобланарди. Эндиликда боғ-хиёбоннинг асосий қисмини арчанинг бир неча камб турлари эгаллаган. Уларнинг атроф-муҳит мусофоллигини мўътадил сақлаб туришда аҳамияти катта. Шаҳар ўзининг тарихида бундай яшиллик, кўркамлик, гўзалликдан биринчи бор ясанмоқда, десам муболага бўлмас. Бу ердан кунун тун одамларнинг оёғи узилмайди. Кимдир дам олиш учун, кимдир концерт томоша қилишга, яна кимдир театрга келади. Боғ-хиёбон халқимизнинг маданият масканига айланди. Шунинг учун бу жойини "Бухоро маданий маркази", деб атадик. Бу маданий марказ шаҳарнинг бугунги кунда яратилган бунёдкорлик, боқийлик тимсолларидан бирига айланди.

ШАРИФ ШАҲАРНИНГ БОҚИЙЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Бухорода замонавий ва миллий шаҳарсозлик анъаналари асосида қайта қуриш, бунёдкорлик ишлари 2010 йилдан кейин янада кучайди. Шаҳарга шарқ томондан қиравериб 107 гектарлик жой ҳақиқий қурилиш, бунёдкорлик масканига айланди. Президентимиз тақлиф ва ташаббус билан бу ерда ниҳоятда муазам майдон, боғ-хиёбон яратилган қурилишди. Боғ-хиёбоннинг марказида вилоят мусикали драма театрининг мухташам биноси барпо этилди. Олд қисми ёй шаклида, улдуғвор устулар билан безатилган бинога тепадан назар ташлангангиз, бино бағрини очиб, одамларни кутаётганга ўхшайди. Бинонинг ички қисми ҳам ниҳоятда ҳашаматли қилиб безатилган. Театр фойеси, зал томошабинларнинг маданий дам олишлари учун қулай қилиб яратилган. Замонавий, ҳамма имкониятларга эга тарзда ишланган театр сахнаси драма санъатининг барча турдаги асарларини ижро қилишга мос тарзда бунёд қилинган. Шунинг учун ҳам бую ҳақиқий санъат қозонасига айланди. Театр биносига яқин жойда ёғи амфитеатр ҳам қурилди. Бу ерда концертлар уюштириш, ҳар хил анжуманлар ўтказиш, театрлаштирилган томошалар ташкил қилиш учун барча қулайликлар мавжуд.



ниш ҳам ҳосил қилади. Боғ-хиёбоннинг ҳамма қисми яшиллик ҳосил қилиб турадиган майсалар билан қопланган. Ғаройиб эколандшафт кўринишидаги бу тизим бағрида қундузи камалаклар жилоланса, кечаси минглаб чироклар нуридан боғ-хиёбон ўзига хос чирой очади. Бу ерда келувчиларга, сайр қилувчиларга мамнууллик, хурсандлик, хуш кайфият бағишлайди.

Боғ-хиёбонда салкам 29 миңтага яқин дарахт кўчатлари ўтказилган эди. Уларнинг нави 50 хилдан ошқини ташкил этади. Эндиликда бу кўчатларнинг ҳаммаси дарахтларга айланди, — дейди хурсандчилик билан Бухоро шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг бўлим бошлиғи Хайриддин Қосимов. — Шулардан ўн бир турдагиси хориждан келтирилган каштан, эман, қоракарағай, акация, оқ қайин каби ноёб дарахт

фоллик бағишлаган. Эндиликда аждодларнинг бу борадаги анъаналари замонавий йўсини давом эттиришмоқда. Шаҳарнинг барча нуқталарида турли хилдаги фавворалар ишга туширилган. Айниқса, унинг марказида бунёд қилинган "Абу Али ибн Сино" номидаги фавворалар майдони шаҳарнинг энг обод, кўркам, хушманзара масканларидан бирига айланган. 6,5 гектардан ошқ қойи эгаллаган бу фавворалар шакл-шамойили, кўриниши, суви ғаройиб тарзда таратиб бериши билан эътиборни тортади. Баъзи нуқталарда сув 20 метрдан ошқ баландликка отилади. Турфа рангдаги нурлар сувнинг отилишига ҳамоҳанг порлайди. Сув ва нурнинг ҳамоҳанглигига мусика — "Шашмаком" қуйлари ҳам қўшилади. Мусофоллик, салқинлик, нурлар ўйини, қалбни тўққинлаштирувчи қуйлар оғушида ҳар қандай одам дилда хуш кайфият, ўзгача бир сурур, фахр уйғонади. Шунинг учун ҳам шаҳарнинг бу маскани — "Фавворалар майдони" доимо гавжум бўлади. Бу майдон тунда янада ғаройиб, гўзал кўриниш ҳосил қилади. Унга четрокдан назар ташлангангиз, бу ерда нафақат шаҳар аҳли, балки бутун Бухоро ором олаётгандек, майдон боғ гўзаллигини намоён қилаётгандек туюлади.

— Бухорога сайёҳлик йўли билан кўп келганман. Лекин ҳар гал келганимда бу ерда шаҳарсозликнинг, меъморчиликнинг ўзига хос янги қирраларини кашф этганман, — дейди французиялик меҳмон Шарль Мартин. — Илгарилари мени шаҳарнинг қадим меъморчилиги хайратта соларди. Ўн-ўн беш аср илгари барпо этилган ёдгорликларга, инсон ақл-заковатининг қучига, гўзаллигига боқиб тўғймасдим. Кўнглимда бу тарихий ёдгорликлар, обидалар замонавий архитектура фониде кўзга кўринмай қолмас эди, деган ҳақлик бор эди. Янгилашган эканман. Бухороликлар қадим шаҳарсозлик билан замонавий меъморчиликни уйғунлаштириб юборибдилар. Бугун қадим Бухоро ёнида замонавий Бухоро ҳам қад ростламоқда. Ана шундай ютуққа эришган халққа раҳмат айтаман!

Албатта, эндиликда Бухоронинг замонавий қиёфасини намоён қилувчи масканлар, мажмуалар, иншоотлар ниҳоятда кўп. Бухоро аэропорти шулардан бири ҳисобланади. Бир пайтлари кўрмасизгина бўлган, кичкина бинода жойлашган аэропорт эндиликда ниҳоятда улдувор кўринишга эга бўлди. Барча турдаги ҳаво лайнерларини қабул қила олади. Дунёнинг қўлаб шаҳарлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган халқаро аэропортга айланди. Ёхуд Бухоро темир йўл вокзали ҳам мустақилликдан илгари XX аср бошларида қурилган эски бинода жойлашган. Унда йўловчилар тугул темирйўлчиларнинг ўзлари фаолият юритиш-



лари учун етарли имкониятлар йўқ эди. Эндиликда темир йўл вокзалли тўла қайта қурилди. Бугунги талабларга жавоб берадиган даражада техник жиҳатдан жиҳозланди. Йўловчилар учун барча қулайликлар яратилди. Эндиликда вокзал "Талғо" каби тезорав электровозлар ва бошқа замонавий типдаги поезدلарни қабул қилмоқда. "Афросиёб"нинг Бухорога қатнай бошлаганлиги бунинг ёркин ифодасидир. Бухорони унинг иқиссат дарвозаси — вокзал ва аэропорт билан боғлайдиган йўллар ниҳоятда обод, кенг ва раво қилиб бунёд этилди. Уларнинг икки томони гулзорларга, дарахтзорларга, арчазорларга айлантирилди. Бугун шаҳар меҳмонларни кўркам, янгидан чирой очган, гўзал қиёфада кутиб олмақда.

Табиийки, Бухорода рўй бераётган бу ўзгаришлар, янгилашлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг асосида мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Қаримовнинг бу шариф шаҳарга доимий эътибори, шаҳардаги бунёдкорликлар учун кенг йўл очиб бергани, шаҳар аҳлининг фидокорона меҳнати, халқимизнинг меҳр-муҳаббати ётибди. Айни пайтда, шаҳар истисодий соҳаларда ҳам юксалмоқда.

— Хозирги пайтда шаҳарда 680 дан ортиқ ишлаб чиқариш қорхоналари фаолият олиб бормоқда. Ўтган йили улар томонидан салкам 290 миңлиқ сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Бу йил эса ушбу рақам 300 миңлиқ сўмлик кўрсаткичдан ошиши шубҳасиз, — дейди шаҳар ҳокимияти иқтисодий бўлими бошлиғи Илхом Қилчеч. — Йилдан-йилга янги ишлаб чиқариш объектилари, қўшма қорхоналар ишга туширилмоқда. Натияжада йилга 80-85 миңдон доллар миқдорда маҳсулотларни хориққа экспорт қилмоқдамиз. Бундан келадиган фойданинг аксарият қисми қайта қуриш, бунёдкорлик ишларида маҳсулотларни хориққа экспорт қилмоқда. Бу бундан қунга янги қиёфа касб этиб бормоқда.

Бухоро қадим-қадимдан сув йўлларида бой шаҳар бўлган. Унинг бағридан қўлаб ариқлар, сойлар, каналлар оқиб ўтган. Лекин шунга қарамай шаҳарни обихаёт билан таъминлаш, унда мусофолликни, озодалликни, салқинликни сақлаш учун бир неча ўнлаб ховузлар, қудуқлар, хавзалар барпо этилган. Булар шаҳар ҳаётига ўзига хос шаф-

Бугунги кунда Бухорога назар ташлангангиз, ҳам кеқсайиб, ҳам яшариб бораётган шаҳар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Унинг кеқсайишига сабаб шуки, бу ердаги ҳар бир тарихий ёдгорлик, меъморчилик мажмуаси, обиде ўрганилиб, ўтмиши аниқлиниб, асл тарихий белгиланмоқда. Ушбу ҳолат шаҳарнинг қадимий яна ҳам олис ўтмиш билан боғлиқлигини исботламоқда. Тарих асл қиёфасида чирой очмоқда. Унинг яшаршининг ҳам боиси бор. Бу ерда ана шу қўҳна обидаларга, кеска тарихга уйғун ҳолда замонавий, янги Бухоро ҳам қад ростламоқда. У халқимиз ва дунё кўз ўнгида обод ва кўркам қиёфа касб этмоқда. Боқий шаҳар сифатида ўзини намоён қилмоқда.

Яратувчилик — гўзаллик мезони

Яратувчилик ва бунёдкорлик халқимизнинг аждодлардан авлодларга ўтиб келадиган мероси, фаолият мезони ҳисобланади. Бунга қадим тарих гувоҳ. Кўҳна ва боқий Бухоронинг қадимий иншоотлари неча асрларки миллатимиз фахри сифатида қад ростлаб турибди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий меъморчилик соҳаси замонавийлик касб этди.

Истиқлол йилларида қад ростилаш меъморий обидаларини қўздан кечириб, мушоҳада этарканмиз, уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Қаримов ташаббуси, гоғлари асосида амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Улар сон 100 га яқин бўлган. Шулар орасида баъзиларини, хусусан, Бахавуддин Нақибанд ёдгорликлар мажмуасини, шунингдек, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Ёхуд Бухоро вилоят ҳақида шаҳар ҳокимлиги бинолари олдига "Абу Али ибн Сино" номидаги фавворалар хиёбони,

мартабали меҳмонларни қабул қилиш саройи, Марказий дехқон бозори, "Хўмо" ҳамда "Дилқум" теннис кортлари, "Нафис" Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Қаримов ташаббуси, гоғлари асосида амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Улар сон 100 га яқин бўлган. Шулар орасида баъзиларини, хусусан, Бахавуддин Нақибанд ёдгорликлар мажмуасини, шунингдек, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Ёхуд Бухоро вилоят ҳақида шаҳар ҳокимлиги бинолари олдига "Абу Али ибн Сино" номидаги фавворалар хиёбони,

бошқармаси, Бухоро шаҳридаги молия бошқармаси, назорат-тафтиш бошқармаси ва Газначилик бошқармасининг маъмурий биноси, Бухоро туман прокуратурасининг маъмурий биноси, Бухоро шаҳрининг "Пиродаст-гир" кўчасидаги кўп қаватли "Қамолот" уйи, Абдуллоҳқўли Қўшқоровнинг қўчасидаги ёпиқ сузиш суи ҳавзаси, "Агробанк" биноси, "Asia Alliance Bank" биноси, "KNAUF" Ўзбекистон — Германия қўшма қорхонаси, Бухоро юридик ва маъмурий хизмат коллежи, Бухоро банк коллежи, Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи ва шунча қиёфа кўплик бинолар, иншоотлар бугун шаҳарнинг кўрқига кўрк қўшиб турибди.

Хозирги кунда Бухорода "Қандиш" нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, Бухоро шаҳрида тўққимчилик бозори, супермаркет мажмуаси қурилиши амалга оширилмоқда. Шунингдек, йўллари янада яхшилаш мақсадида М-37 ҳамда А-380 автомагистраль йўлининг айланма ҳалқа йўли бунёд этилмоқда. Мазкур айланма йўл ҳайдовчиларнинг вақтини тежаш билан бир қаторда Бухоро шаҳрига юк автомобилларининг кириб келиши оқимини меъёрлаштирилади.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Бухоро вилоят кенгаши раиси
ўринбосари

Суратлар муаллифи
Т.ИСТАТОВ (ЎЗА)

Қамол МАТЌЕЎБОВ,
"Adolat" муҳбири

Йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш — устувор вазифа

“АДОЛАТ” ШАРҲИ

Маълумки, 2015 йилнинг 24 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 370-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан мамлакатимизда 2016 йилнинг 1 мартидан бошлаб янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари амалга киритилди. Ушбу қоидалар жорий этилган, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати ҳам юзга келди. Шунга қўра, тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. 2016 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёев томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун имзоланди. Ушбу қонун билан киритилган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид ўзгартиш ва қўшимчалар моҳияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХББ бошлиғи, полковник Холматжон Аҳмедович САЙДАЛИЕВ куйидагиларни сўзлаб берди:



сидаги кодекси 125-,128-,138- ва 248-моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларида хайдовчиларга бир қатор муҳим мажбуриятлар ҳам юқлатилди. Биласиз, сўнгги вақтларда, айниқса, тўй-тантаналарда танасини машина ойнасидан ташқарига чиқариб, видео тасвирга олиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу эса ҳаракатланги хавфсизлигига жиддий раҳна солиди. Эндиликда хайдовчи ҳаракатни бошлагандан олдин йўловчиларни ҳаракат вақтида танани (қўли чиқариш бунга кирмайди) автомобиль салонидан ташқарига чиқариш мумкин эмаслиги ҳақида оғохлантириши шарт. Агар ЙПХ инспекторлари томонидан шундай қоидаларга қўшимча қилинган бўлса, хайдовчига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси 2-қисми асосида чора кўрилади. Яъни бу хайдовчи республикамизда жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробарида жарима тўлайди. Худди шу талаб қонданинг йўловчиларга тегишли 24-бандига ҳам қўшимча қилинди. Демакки, шундай қоидабузарлик содир этган йўловчиларга нисбатан МЖТКнинг 138-моддаси 4-қисмига асосан жавобгарлик белгиланди. Яъни йўловчиларнинг бу қоидабузарлиги улар томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридан жарима солинишига асос бўлади.

Хавфсизлиги таъминлаш мақсадида яна бир янгилик жорий этилди. Маълумки, куннинг қоронғи вақтларида, айниқса, ёриштирмаган жойларда транспорт воситаси бирон-бир сабаб билан, масалан, носозлик туйғулари тўхтаб қолиши мумкин. Шундай вақтда хайдовчи машинасини таъмирлаш учун ташқари чикади. Натijaда хавфли ҳолат юзга келади. Йўлдан

ўтаётган транспорт воситалари хайдовчилари таъмирлаш ишлари билан банд бўлган хайдовчини кўрмай қолиши мумкин. Қоронғи ва ёриштирмаган бўлаётган вақтларда бунинг эҳтимоли нисбатан юқоқ. Айнан шундай ҳолатларда йўл-транспорт ҳодисасига учраб жароҳат олганлар ҳақида кундалик маълумотларимизда қайд этилган. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда янги қоидаларда тунги вақтларда хайдовчиларга нур қайтарувчи махсус нимчаларни кийиб олиш мажбурияти юқлатилди. Эндиликда хар бир транспорт воситасида тиббиёт кутучиси, ёриштирма мажбуриятли бўлиши шарт. Агар ЙПХ инспекторлари томонидан шундай қоидаларга қўшимча қилинган бўлса, хайдовчига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси 2-қисми асосида чора кўрилади. Яъни энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан жарима жазоси қўлланилади.

Сўнгги вақтларда кўпчиликни ташвишлантираётган, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган, умуман, ҳаракатланги хавфсизлигига жиддий раҳна солаётган яна бир муаммо бор эди. Гап йўлда ҳаракатланаётган шибдаларнинг уяли телефондан, планшетлардан фойдаланишлари, кулоқларига турли мосламаларни тақиб олиб гаплашишлари, мусика эшитиш ва ҳатто кино кўришлари ҳақида кетмоқда. Бу салбий ҳолат, айниқса, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари орасида урф бўлиб қолган. Кундалик маълумотларимиз

орасида айнан шу ҳолат сабабли йўл-транспорт ҳодисасига учраб ҳаётдан қўз юмиш ҳолатлари тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 19-бандида шибдаларга йўлда юрганда, шибдалар учун ажратилган жойлардан ўтаётганда ҳаёли чалғитувчи нарсалардан, жумладан, телефон, планшетлардан фойдаланиш, видео кўриш, газета, журнал ва китоб ўқиш ман этилди. Эндиликда ушбу турдаги қоидабузарлик учун МЖТКнинг 138-моддаси 1-қисмига асосан чора кўрилади ва энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисми миқдоридан жарима қўллашга сабаб бўлади.

Янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларида ташкилий равишда одам олиб кетаётган, йўловчиларни ташибетган автобуслар, микроавтобуслар, шунингдек, мотоцикл ва мопедлар хавфсизлигини таъминлаш чораларини қулайтириш учун куннинг ёруғ пайтида ҳаракатланаётганда ҳам яқини ёриштүчи чирокларини ёқиб юришлари шарт, деб белгиланди. Ушбу тартиб қоидаларнинг 128-бандига қўшимча қилиб киритилди. Бу турдаги қоидабузарлик аниқланса, хайдовчига нисбатан МЖТКнинг 128-моддаси 1-қисмига асосан жазо чораси қўлланилади ва унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан жарима солинади.

Умуман олганда, янги қабул қилинган қонун, аввало, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Унинг талабларини сўзсиз бажариш эса йўловчиларизда хавфсиз ҳаракатланги таъминлаб, фуқароларимизнинг соғлиги ва ҳаётининг муҳофаза этишга хизмат қилади.

Мансуржон РИХСИЕВ
ёзиб олди.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

— Менда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун алоҳида бино мавжуд эмас. Ўзим яшаб турган турар жойда тадбиркорлик билан шуғулланишим мумкинми?

Ф.Раҳимов, Тошкент вилояти

— Албатта, мумкин. Бунинг учун сиз оилавий қорхона сифатида давлат рўйхатидан ўтишингиз керак. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида келтирилганидек, оилавий қорхонага иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар оилавий қорхона фаолиятини амалга ошириладиган жойлар бўлиши мумкин.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бошқа тадбиркорлик субъектларидан фарқли ўлароқ бир қатор афзалликлар берилган.

Хусусан, оилавий қорхона иштирокчиларига тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий қорхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар турар жойларидан бир вақтнинг ўзида истиқомат қилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширсалар, коммунал инфратузилма хизматлари, жумладан, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

— Фарзандим 15 ёшда. Бирон-бир ҳунарнинг сир-асрорларини мукамама эгаллашни истайман. Маҳалламизда қўли гул ҳунармандлар талайгина. Фарзандимни улардан бирига шогирд сифатида беришим мумкинми?

Р.Нурметов, Бухоро вилояти

— Мамлакатимизда халқ ҳунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишни энг самарали воситалардан бири сифатида ҳунармандчиликни янада ривожлантириш масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ҳунарманд ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш учун 5 нафар шогирдни жалб этишга ҳақлидир.

15 ёшга тўлган шахс ота-онасидан биттасининг ёки унинг ўрнини босадиган шахснинг ёзма розилиги билан ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб этилади.

Бундан ташқари, 18 ёшга бўлган шахс ҳунарманднинг шогирди сифатида ишлашга у умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда, албатта, ўқиши шартли билан қўйилади.

— Қишлоғимиз марказида жойлашган савдо дўконида чакана савдо билан шуғулланаман. Эшитишимча, фаолиятини амалга оширишда ходим ёллашим мумкин экан. Иатимос, шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз.

Н.Ғаниева, Самарқанд вилояти

— Яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятдан келиб чиқиб бир нафардан уч нафаргача ходим ёллаши мумкин.

Тадбиркор ёлланган ходим билан меҳнат шартномаси тузилган санадан бошлаб уч иш кунини ичида ходимни ҳисобга қўйиш тўғрисида солиқ идорасига ариза тақдим этилади. Солиқ идораси ходимни ариза олинган санадан бошлаб уч иш кунини мобайнида ходимни ҳисобга қўйишда тадбиркорга ёлланган ходимнинг рўйхатдан ўтказиш қарточкасини беради.

Тадбиркор хар бир ёлланган ходим учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан суғурта бадалли ҳамда амалга оширадиган фаолият тури бўйича ўрнатилган катъий белгиланган солиқ ставканинг 30 фоизи миқдоридан солиқ тўлаши белгиланган.

Тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаганда, коллежини битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёллашга ишчилар учун катъий белгиланган солиқдан озод этилади.

Бундан ташқари, ёлланган ходимнинг ишлаган иш даврлари бюджетдан ташқари Пенсия жағмармасида суғурта бадаллари тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади.

Саволларга Самарқанд шаҳар 2-сон ФХДБ бўлими
мудираси Замира АҲМЕДОВА жавоб берди.

Qishloq Qurilish Bank

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“Қишлоқ қурилиш банк” хизматларидан мижозлар мамнун бўлмоқда

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат томонидан кўрсатилаётган хизматлар қўлама йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шунга мос равишда аҳолининг банкка бўлган ишончи ортиб, мижозлар сони муттасил ўсмоқда.



Банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали фаолияти ҳам мижозларга манзур бўлмоқда. Мазкур филиал айтилган вақтда 28 602 нафар мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. 2009 йилдан шу кунга қадар вилоят бўйича жами 5932 та намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этилган бўлса, ушбу уй-жойлар учун 2009-2015 йилларда қарийб 323,8 миллиард сўм миқдоридagi маблағлар имтиёзли ипотека кредити сифатида ажратилган.

2016 йилда ҳам вилоятнинг 15 та массивида қуриладиган 886 та намунавий лойиҳадаги шинам уй-жойлар сохиблари учун 66,8 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари йўналтирилмоқда.

“Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали томонидан хусусий тадбиркорликни, кичик бизнес, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳам эътиборга моликдир.

2016 йил 1 сентябрь ҳолатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида жами 80 067,0 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Филиал томонидан аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини йўлга қўйиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида берилган микрокредитлар миқдори 23 645,0 миллион сўмни ташкил қилди. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида эса 10508,9 миллион сўмлик ва 113 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларини татбиқ этиш учун 1180 миллион сўмлик кредитлар йўналтирилди.

— 2016 йилнинг март ойида офсет босма маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида

125 000,0 миллион сўмлик кредит олиш учун мурожаат қилган эдим, — дейди “ORANGE PRINT MEDIA” масъулияти чекланган жамияти раҳбари С.Эргашов. — Банк томонидан мурожаатимиз ижобий ҳал этилиб, узоқ муддатли кредит маблағлари ажратиб берилди. Бозордаги талабни ўрганган ҳолда қорхонамиз офсет босма маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали даромад олишни ва бозорни рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдирishга ҳисса қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Тошкент вилояти минтақавий филиали томонидан кўрсатилаётган замонавий ва қулай хизматлар бизга маъқул келмоқда ва банкдан миннатдоримиз.

С.Эргашов каби “Қишлоқ қурилиш банк” хизматларидан фойдаланиб келаётган ва бундан мамнун бўлган мижозлар талайгина. Улардан бири Зангиота туманидаги “AVTO YUK SHINOMON-

ТАJ” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Равшан Охуннов.

— Қорхонамиз 2012 йилда иш бошлаган, — дейди у. — Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири автомобиль, мотоцикл, велосипед, трактор ва бошқа машиналар учун шина ишлаб чиқариш ва таъмирлашдан иборат. Биз “Қишлоқ қурилиш банк”нинг вилоят минтақавий филиалига ариза билан мурожаат қилиб, Халқаро таъминот ассоциациясининг кредит линияси маблағлари ҳисобидан 6 ой имтиёзли давр ва 18 ой муддатга йиллик 12 фоиз устама ҳақ тўлаш шартли билан 350 миллион сўм узоқ муддатли кредит ажратилиши учун амалий ёрдам сўраган эдик. Лойиҳамизнинг асосий мақсади юк автомашиналарининг шиналарини таъмирлашдан иборат эди. Банкнинг кредит комиссияси лойиҳамизни белгиланган тартибда ўрганиб чиқиб, кредит ажратилишига қарор қилди. Бу маблағларни шиналарни таъмирлаш

фаолиятини кенгайтириш мақсадида хомашё сотиб олишга йўналтирилди. Банкнинг молиявий кўмаги билан қорхонамиз фаолиятини сезиларли даражада ўсишига эришдик.

Қибрай туманидаги “Мирзажалил Жаҳон бони” фермер хўжалиги раҳбари Дилафруз Мирзааримова ҳам банк мижози ҳисобланади.

— Фермер хўжалигини мизни 2008 йилда ташкил қилганмиз. Асосан мева, резавор етиштириш, узумчилик ва чорвачилик билан шуғулланамиз. Биз “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Тошкент вилояти филиалидан бир неча бор кредит олиб, фаолиятимизни анча кенгайтирдик. Масалан, 2014 йилда олинган 320 миллион сўм кре-

дитни Австриядан наслдор қорамол ва сут соғиш ускуналари ҳамда Газ 330202-288 юк автомашинасини сотиб олишга сарфладик. 2015 йилда олинган 350 миллион сўмга эса ТТ-40 тракторни, қишлоқ хўжалик техникаси ва қорамол сотиб олдик. Ҳозирги кунда хўжалигимиз аҳолига мунтазам сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бормоқда. Биз каби тадбиркорларга қулай имкониятлар яратиб бераётган ҳукуматимиздан ҳамда бизнес лойиҳаларимизни молиявий қўллаб-қувватлаб, қимматли маслаҳатлари билан ёрдам бераётган “Қишлоқ қурилиш банк” ходимларидан беҳад миннатдоримиз, — деди Дилафруз Мирзааримова.

Бир сўз билан айтганда, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали фаолияти нисолида ҳам “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилининг амалий тасдиғини кўриш мумкин.

Абдураҳим ФАЙЗИЕВ,
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Тошкент вилояти минтақавий филиали кредит бўлими бошлиғи

Юксак ишонч ва муносиб рағбат таълим самардорлигини оширишга хизмат қилади

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу байрам муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг биз, таълим соҳаси ходимларига йўллаган байрам табригини тингладик.

Байрам табригидан бундан 19 йил олдин ушбу сана Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан эл-юртимизнинг ўқитувчи, мураббийларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтирмининг амалий ифодаси, умумхалқ байрами сифатида таъсис этилгани алоҳида эътироф этилди. Дарҳақиқат, жажон ҳамжамиятида "Ўзбек модели" деб тан олинган таркиқлиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган замонавий таълим-тарбия тизимининг ривожланиш йўлларини аниқ белгилаб берган, "Бутун Ўзбекистон болалари - менинг азиз фарзандларим" деб уларни ҳаминша эъзозлаган Ислам Каримовнинг тарихий хизматлари бугунги ва келгуси авлодлар томонидан доимо чуқур миннатдорлик билан ёдга олинади.

Ҳақиқатан ҳам, Ўртабшумиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки кунларидан янгилашган таълим ва тафаккурли, юксак маънавиятли авлоднинг тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури жамиятимиздаги ижтимоий-маърифий ҳаётни тубдан ўзгартирди. Ушбу ҳужжатлар замонавий таълим масканларини барпо этиш, ёшларни 12 йиллик бепоул мажбурий таълим билан тўлақонли камраб олиш, давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини замон руҳига мос тарзда ислоҳ этиш каби кенг қамровли ишларни тизимли амалга оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Меҳнат фаолиятимиз тақозоси билан республикамиздаги шаҳар, туман ва қишлоқларда жойлашган умумтаълим мактабларига бориб, ҳамкасбларимиз билан тақриб алмашиб турамыз, ўз навбатида, бошқа мактаблардаги ўқитувчилар ҳам вақти-вақти билан бизнинг таълим муассасамизга таширф буюришади. Қувончли ҳис қилганимиз шунки, бугун шаҳар ёки қишлоқ мактаби ўртасида деярли фарқ қолмаган. Хусусан, мамлакатимизнинг чекка-чекка қишлоқларидаги умумтаълим мактабларида шахмат-шашка, мусика, моҳир кўлар, инглиз тили каби тўғарақлар иш олиб бориши, ушбу таълим муассасалари ҳам энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланганлигининг гувоҳи бўлганда бир қувонч, ўша ўқув масканларида тахсил олаётган ўқувчилар шаҳар ва республика миқёсидаги кўриқ-танловларда, "Билимлар беллашуви" да фахрли ўринларни қўлга киритганида янада фахрланамиз.

Албатта, биз эришган ютуқларимиз билан кифояланиб қолмай, фақат олдинга ҳаракат қиламыз. Катъий ишонч билан айта оламизки, биз, ўқитувчиларга белгирилган ишончнинг тўла оқлаб, таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қиламыз.

Гулистон ҚЎЗИЕВА, Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси



ИҚТИСОДИЁТ

Тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажми йилдан-йилга ортомқда ва бу ўзининг муносиб натижаларини бермоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар бошқа молиявий муассасалар қаторида «Асака» акциядорлик-тижорат банкнинг Қашқадарё вилоят филиалида ҳам қизғин давом эттириляпти. Ният эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, бу йўлда ишонч ва кўтаринки руҳ билан олға томон дадил ҳаракатланишдан иборат.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида «Асака» акциядорлик-тижорат банкнинг Қашқадарё вилоят филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жами 31,1 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағларини йўналтирди. Бу маблағлар вилоятда ишлаб чиқариш, хушуд иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтиришга хизмат қилиши баробарида қўшимча янги иш ўринлари яратилиб, ёш йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Банк филиали кредит портфели ҳажми 2016 йил 1 октябр ҳолатига 138,1 миллиард сўмдан ошди. Кредит қўйимчаларининг асосий қисмини узок муддатли кредитлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари тадбиркорлик рағбатига самарали таъсир кўрсатмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар зами-

Кичик бизнес ривожига катта эътибор



рида одамларнинг фаровон ҳаёт кечирishi, турмуши бундан-да обод ва гўзал бўлишини таъминлаш мақсади мужасам эканлигини тасдиқловчи мазкур ҳужжатлар ижроси асосида тадбиркорлик субъектлари 10,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари билан таъминланди. Натигада маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш соҳасида ижобий ўзгаришларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида барча соҳалардаги бўлгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар берди. Аграр соҳани ривожлантириш каторида таълим соҳасида ижтимоий турмушини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги «2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 декабрдаги топшириғига асосан, республикамизда узумчиликни ривожлантириш, мавжуд узумзорларнинг унумдорлигини ошириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Айтиш жоизки, «Аса-

ка» банк томонидан мазкур соҳани ривожлантириш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда.

Банк филиали томонидан узумчиликка ихтисослашган агрофирмалар ва фермер хўжалиқларига узум боғлари яратиш, узумзорларга замонавий ишлов бериш, соҳага доир техника ва технологияларни сотиш-тиб олиш, суғоришда янги технологияларни жорий этиш, замонавий совутиш камераларини барпо этиш учун 19 та хўжалиқларнинг 5,6 миллиард сўм миқдоридagi лойиҳалари молиялаштирилди.

Вилоятда тадбиркорлик, хусусан, кичик бизнес субъектлари сони мунтазам равишда ортиб бормоқда. Маълумки, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг оёққа туриб олиши осон кечмайди. Бундай паллада уларни изчил равишда қўллаб-қувватламоқ, тасарруфидagi бошланғич капитал молиявий манбаларини қўлайлаштиришга фаол қўмаклашмоқ даркор. Тадбиркорлик

субъектларига 4,4 миллиард сўмдан зиёд миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Банк филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 июлдаги «Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича хозирги кунда Қарши шаҳрида 3 та ва Шаҳрисабз шаҳрида 1 та кўп қаватли уй-жой бинолари қуриб битказилди. Банк филиали томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари эвазига вилоят аҳолиси ушбу кўп қаватли уйларнинг хонадон эгаларига айландилар.

Шунингдек, бугунги кунда Қарши шаҳрида 10 та ва Шаҳрисабз шаҳрида 3 та кўп қаватли уй-жой биноларининг қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Уй-жойлар қуриб битказилиши натижасида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари аҳолиси, шу жумладан, ёш

оилалар уй-жойлар билан таъминланади. Мазкур уйларнинг биринчи қаватида замонавий савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари фаолият юритади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли учун вилоят тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган ва етиштирилган маҳсулотларни сотишга ҳамда хизматлар кўрсатишга ва янги иш ўринларини яратишга замин яратади.

Банк филиали томонидан 2016 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 40,0 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Банкнинг бу соҳадаги тадбирлари қўламини анча кенг ҳамда салмоқли ва унга доир мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Хўлоса ўрнида айтиладики бўлса, миқозлар манфаати билан жомдорлар учун доимо устувор ва ҳаминша асосий ўринни эгаллайди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Ёшларнинг истиқболли гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бугунги кунда муҳим вазифалардан биридир.

Ёш тадбиркорлар сафи кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур фармонга асосан 2015 йил 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга фаолиятдан келиб чиққан ҳолда бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Хар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жағамарасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда суғурта бадал ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорда солиқ тўланади, ҳолос. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, 2015 йилдан бошлаб касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан катъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартдаги "Халқ бадийи хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра, халқ бадийи хунармандчиликлари ва амалий санъати билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар катъий белгиланган солиқдан озод этилган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, оиламга, юртимга наф келтираман деган ёшлар учун барча шароитлар яратилган. Гулшан Дадабоева қўли гул тикувчилардан. У 2015 йилда касб-хунар коллежини тамомлаб, тадбиркор сифатида ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Миллий ва замонавий услубдаги либослар тикиш билан шуғулланган хунарманд "устоз-шогирд" аънаси асосида тенгдошларига ўз хунари сирларини ўргатишни ҳам самарали йўлга қўйган. Касб-хунар коллежини тамомлаган икки нафар дугонасини иш билан таъминлади.

Хўлоса ўрнида шунини айтиш жоизки, ёшларни изланишга, ҳалол меҳнат қилиб, фаровон яшапга ундаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Рустам ВАХОБОВ, Учтепа туман ДСИ бошлиғи

Газетанинг наобатдаги сони 2016 йил 18 октябрь сешанба кунини чиқарди.

Нилуфар ҲАМИДОВА, "Кўхинур оломс барака" маъсулияти чекланган жамияти раҳбари:

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини барча юртошларимиз қатори биз ҳам меҳнат зафарлари билан қутиб олдик. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқлар истиқлол шарофатидандир. Юртимиздаги тинчлик, халқимизнинг фаровон турмуши, болаларимизнинг бахтиёр ва шодон қўлгиси истиқлол туғайлидир. Кўнглимда тугиб юрган барча орзу-ниятларим истиқлол туғайли рўёбга чиқди. Тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ишчиёз ва қўлайликлар шарофати билан мен ҳам тадбиркор бўлдим. Тадбиркорликнинг туғайли оиламнинг даромади кўнайдими, ҳаётимиз фаровон бўлди. Бу борада «Асака» банк томонидан ажратилган кредитлар айни муддао бўлмоқда. Ушбу банк кредити ҳисобига полистилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бунинг натижасида 5 та янги иш ўрни ташкил этилиб, ёшларни иш билан таъминлашга эришилди.

«Асака» банкнинг ҳар томонлама мадади бизнинг корхонамиз фаолиятига муҳим қўмак бўлмоқда. Бундан кейин ҳам «Асака» банк ҳамкорлиги ва қўмағида хайрли ва эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшамиз деган ниятдамыз.

Отабек ҲАНИЕВ, "Ganiyev Gold" маъсулияти корхонаси раҳбари:

Тадбиркорларга яратилган имтиёз ва қўлайликлар натижасида вилоятимизда оилавий корхона очиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган ишбилармонлар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Биз ҳам ушбу имкониятлардан фойдаланиб, «Асака» банк билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Кўзлаган режаларимиз «Асака» банк кредити ҳисобига амалга ошди, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича оилавий корхона ташкил этидик. Шаҳримиз аҳолисининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириб келмоқдамиз. Биз ишлаб чиқарган маҳсулотлар сифати жиҳатидан истеъмолчиларнинг маътовига сазовор бўлмоқда.

Оммавий тадбиркорлик ҳаракати туғайли юртимиз ишонамоқда, мамлакат куч-қудрати ортиб, халқимиз фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бундай сай-ҳаракатларда барча тадбиркорлар қатори мен ҳам самарали улуш қўшаётганимдан хурсандман. Бунда бизга «Асака» банкнинг молиявий қўмағи қанот бўлмоқда.

Қаҳрамон ОЧИЛОВ, "Насаф металл" маъсулияти чекланган жамияти раҳбари:

Аҳоли саломатлигини яхшилаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш истағида бўлган юртошларимизни сифатли ва арзон спорт анжомлари билан таъминлаш мақсадида спорт буюмлари ишлаб чиқаришни мақсад қилдим. Мақсадимни амалга ошириш учун бизнес режа туздим ва молиявий ёрдам сўраб, республикамизда энг нуфузли ва барқарор банклардан бири бўлган «Асака» банкнинг Қашқадарё вилоят филиалига мурожаат этидим. Банк томонидан қисқа муддатда зарур бўлган кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кредит ҳисобига хориждан керакли ускуналарни олиб келишга ва ишлаб чиқаришни бошлашга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Бунинг натижасида 8 та янги иш ўрни ташкил этилиб, ёшларни иш билан таъминлаш имконияти яратилди.

Келгусида ҳам ишлаб чиқариш фаолиятимизни кенгайтириб, қўшимча равишда янги иш ўринларини яратиш, халқимиз ҳаётини янада фаровон ва тўқин қилишга ҳиссамизни қўшишни ният қилиб турибмиз. Албатта, бу борада «Асака» банк бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.

ҲАМКАСБ ЁДИ



Заҳматқаш ҳамкасбимиз, ўттиз уч йилдан буён садоқат билан журналистик касбини, тўғривоғи, хунарини эъзозлаб келган Рустамжон Аҳмадалиевни шафқатсиз ажал 55 ёшида орамиздан олиб кетди.

Куни кеча бизга янги-янги ижодий режалари ҳақида тўлиб-тошиб гапирган, ҳаёлида "пишиб қолган" мақолаларининг сар-

лавҳаларига қадар айтиб берган тақрибали, қуюнчак журналист энди орамизда йўқ...

Рустамжон ака матбуотимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У "Тошкент оқшоми", "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Туркистон", "Ишонч" каби газеталарда ҳам фаолият юритган, газетамизга бир муддат раҳбарлик қилган. Фидойи

устоз ёш мутахассисларга алоҳида меҳр билан қараб, йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш, фикр билдиришга доим вақт топган, ҳаммани бирдай ҳурмат қилган камтар, гўзал фазилатли инсон эди. У кишининг самимиети суҳбатдошига ҳам тезда ўтишини кўп кўрганмиз. Бу устознинг ижодий ишларида ҳам кўзга ташланади.

Рустамжон ақанинг бу дунёга келиб орттиргани ибратли оила, оқил фарзандлар ва сон-саноксиз мақолавар бўлди. Рустамжон ақанинг бу дунёга келиб орттиргани ўқувчилар муҳаббати, ҳамкасбларнинг самимиети ҳурмат-эҳтиромиди бўлди.

Рустамжон ақадий одамни унутиб бўлмайди...

ТАХРИРИЯТ